

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ. ЁШЛАРНИ ИНТЕРНЕТ ХАВФЛАРИДАН
АСРАШ

Худойбердиев Искандар Боймуродович

*ассистент, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Ўзбекистон,
Тошкент ш.*

Аннотация: *Ахборот хавфсизлиги тизими давлатнинг ахборот соҳасидаги сиёсатини мамлакатда миллий хавфсизликни таъминлаш давлат сиёсати билан чамбарчас боғлайди. Ахборот соҳасида давлат манфаатлари миллий ахборот инфраструктурасининг ривожланишига шароитлар яратишда, ахборот олиш соҳасида шахс ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда, Ўзбекистоннинг ҳудудий бирлигини, суверенитетини ва конституциявий тузумининг мустаҳкамлигини, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ахборотдан фойдаланишда, қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни қатъий амалга оширишда, ўзаро тенглик ва ўзаро манфаатдорликдаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда ифодаланади.*

INFORMATION SECURITY. PROTECTING YOUNG PEOPLE FROM THE
DANGERS OF THE INTERNET

Iskandar Xudoyberdiyev

assistant, Tashkent Institute of Textile and Light Industry, Uzbekistan, Tashkent

Abstract: *The information security system closely connects the state policy in the information field with the state policy of ensuring national security in the country. In the field of information, the state interests in creating conditions for the development of the national information infrastructure, in the realization of the constitutional rights and freedoms of individuals and citizens in the field of obtaining information, in the use of information in order to ensure the territorial unity, sovereignty and strength of the constitutional system, political, economic and social stability of Uzbekistan, in strict adherence to legality and law and order is expressed in the development of international cooperation in mutual equality and mutual interest.*

Калит сўзлар: *Ахборот хавфсизлиги, тизим, инфраструктура, барқарорлик, ахборот эркинлиги, муҳофаза, қарор, тамойил, ижтимоий тармоқлар, руҳий ҳолат, салбий ва ижобий, руҳий таъсир.*

Keywords: *Information security, system, infrastructure, stability, freedom of information, protection, decision, principle, social networks, state of mind, negative and positive, mental influence.*

Кириш. Ахборот хавфсизлиги табиий ёки сунъий характердаги тасодифий ёки қасддан қилинган таъсирлардан ахборот инфраструктуранинг ҳимояланганлигидир. Бундай таъсирлар ахборот соҳасидаги муносабатларга, жумладан, ахборот эгаларига, ахборотдан фойдаланувчиларга ва ахборотни муҳофаза қилишга кўмаклашувчи инфраструктурага жиддий зарар етказиши мумкин.

Асосий қисм. Ахборот хавфсизлиги – кўп қиррали фаолият соҳаси бўлиб, унга фақат тизимли, комплекс ёндашув муваффақият келтириши мумкин. Ушбу муаммони ҳал этишда ҳуқуқий, маъмурий, дастурий-техник чоралар қўлланилади [1]. Бугунги кунда ахборот хавфсизлигини таъминлайдиган учта асосий тамойил мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: маълумотлар яхлитлиги – ахборотни йўқотилишига олиб келувчи бузилишлардан, шунингдек маълумотларни муаллифлик ҳуқуқи бўлмаган ҳолда ҳосил қилиш ёки йўқ қилишдан ҳимоя қилиш;

ахборотнинг конфеденциаллиги - ахборот ва унинг ташувчисининг ҳолатини белгилайди, унда ахборот билан руҳсатсиз танишишнинг ёки уни руҳсатсиз хужжатлаштиришнинг (нусха кўчиришнинг) олдини олиш таъминланган бўлади;

фойдаланиш ҳуқуқларига (муаллифликка) эга барча фойдаланувчилар ахборотдан фойдалана олишликлари. Таъкидлаш жоизки, айрим фаолият соҳалари (банк ва молия институтлари, ахборот тармоқлари, давлат бошқарув тизимлари, мудофаа ва махсус тузулмалар) уларда кўриладиган масалаларнинг муҳимлиги ва характерига кўра, уларнинг ахборот тизимлари фаолияти ишончлилигига нисбатан юқори талаблар ва хавфсизлик бўйича махсус чоралар кўрилишини талаб этади. Ахборот хавфсизлигининг миллий хавфсизлик тизимидаги ўрни. XXI асрда шахс, жамият ва давлат тараққиётида ахборот ресурслари ва технологияларининг ролини ортиши натижасида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ахборотлаштирилган жамият сифатида қуриш масаласини ҳал этиш билан бирга қуйидаги омиллар миллий хавфсизликни таъминлаш тизимида ахборот хавфсизлигининг етакчи ўрин эгаллашини белгилайди:

миллий манфаатлар, уларга таъжовуз ва уларни бу таъжовузлардан ҳимоялаш ахборот ва ахборот соҳаси орқали ифодаланади, ҳамда, амалга оширилади.

инсон ва унинг ҳуқуқлари, ахборот ва ахборот тизимлари ҳамда уларга эгалик қилиш – бу нафақат ахборот хавфсизлигининг асосий объектлари, балки хавфсизлик соҳасидаги барча объектларининг асосий элементлари ҳамдир;

ахборот ёндашуvidан асосий илмий-амалий усул сифатида фойдаланиш орқали миллий хавфсизлик масалаларини ҳал этиш мумкин;

миллий хавфсизлик муаммоси яққол ажралиб турувчи ахборот тавсифига эга. Ахборот хавфсизлигининг замонавий концепцияси ахборот хавфсизлигини таъминловчи мақсад, вазифа, тамойиллар ва асосий йўналишлар бўйича расмий нуқтаи назарлар мажмуини билдиради (*1-расм*). Ахборот хавфсизлигининг асосий ташкил этувчилари ва жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

□ ахборотни муҳофаза қилиш (шахсий маълумотларни, давлат ва хизмат сирларини ва бошқа турдаги тарқатилиш чегараланган маълумотларни кўриқлаш);

□ компьютер хавфсизлиги ёки маълумотлар хавфсизлиги – компьютер тармоқларида маълумотларнинг сақланишини, фойдаланишга рухсат этилганлигини ва конфеденциаллигини таъминловчи аппарат ва дастурий воситалар тўплами, ахборотдан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш чоралари.

Ахборотни муҳофаза қилиш – ахборот хавфсизлигининг (маълумотларнинг бутунлиги, фойдалана олиш ва зарур бўлганда, маълумотларни киритиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишда фойдаланилувчи ахборот ва унинг захиралари конфеденциаллиги) муҳим жиҳатларини таъминлашга йўналтирилган тадбирлар мажмуидир [3,4]. Бугунги глобаллашган жараёнда ижтимоий тармоқларининг номлари тобора кўпайиб бориши, ҳозирги кунга келиб статистик маълумотларга кўра дунёдаги энг машҳур ижтимоий тармоқ Facebook бўлиб, ундан кейинги ўринларни Twitter, Instagram LinkedIn, Google, Pinterest, Shapchat, YouTube, WhatsApp. каби бир қанча тармоқлар эгаллаб келмоқда. Албатта улардан фойдаланувчилар сони ҳам ҳар сонияда ортиб бормоқда. Ижтимоий тармоқлардан фойдаланишнинг ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд. Фойдаланувчиларнинг бирон ниятни кўзлаб ижтимоий тармоқларга уланадилар. Кимдир хизмат вазифаси юзасидан ишини осон ва қулай йўл билан битириш мақсадида, кимдир илм талабида, яна кимдир бекорчиликдан вақтини ўтказишни ният қилади.



Расм 1. Ахборот хавфсизлигига таҳдид ва унинг турлари [2]

Ижтимоий тармоқлар жуда катта ҳажли масса бўлиб, у ерда ҳар ким истаган мавзусини олиб чиқиб

оммага тақдим этмоқда. Ана шу мавзуларидан оладиганлар ким нимани ният қилган бўлса ана ўшани олади.

Ижтимоий тармоқларга кириб олиб узоқ вақт бир жойда ўтириб қолиш организмда қанчадан-қанча касаллакларни келтириб чиқаради. Айниқса, ижтимоий тармоқларга ўрганиш, қарам бўлиб руҳан боғланиб қолиш, виртуал олам билан реал оламни ажрата олмай қолиш каби аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2005 йилдаги 256-сонли қарори.
2. И.М. Каримов, Н.А. Тургунов, Ф. Кадиров, Х.К. Самаров, А.А. Иминов, М.Х. Джаматов. "Ахборот хавфсизлиги асослари" /Тошкент-2013.
3. В.И. Завгородний "Комплексная защита информации в компьютерных системах". М-2001.
4. <https://lex.uz/docs/925847?ONDATE=23.04.2018>.
5. Sindarova, S. (2023). AUTOCAD DASTURIDAN FOYDALANIB TALABALARNING IJODIY IZLANISHLARINI RIVOJLANTIRISH. *Наука и технология в современном мире*, 2(14), 38-41.
6. Mirzaliyev, Z. E., Sindarova, S., & Eraliyeva, S. Z. (2021). Develop students' knowledge, skills and competencies through the use of game technology in the teaching of school drawing. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 2(1), 58-62.
7. Sindarova, S. M., Rikhsibaev, U. T., & Khalilova, H. E. (2022). THE NEED TO RESEARCH AND USE ADVANCED PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN THE DEVELOPMENT OF STUDENTS' CREATIVE RESEARCH. *Academic research in modern science*, 1(12), 34-40.
8. Mirzaliyev, Z., Sindarova, S., & Eraliyeva, S. (2019). Organization of Independent Work of Students on Drawing for Implementation of the Practice-Oriented Approach in Training. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 17(1), 297-298.
9. Sindarova, Shoxista Maxammatovna (2021). O'YINLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH ORQALI O'QUVCHILARNING BILIM, KO'NIKMA VA MALAKALARINI SHAKLLANTIRISH (CHIZMACHILIK FANI MISOLIDA). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1 (11), 686-691.
10. Maxammatovna, S. S. (2022). Methods of Solving Some Problems of Teaching Engineering Graphics. *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, 7, 97-102.
11. Рихсибоев, У. Т., Халилова, Х. Э., & Синдарова, Ш. М. (2022). AutoCAD дастуридан фойдаланиб деталлардаги ўтиш чизиқларини куришни автоматлаштириш. *Science and Education*, 3(4), 534-541.



12. Bobomurotov, T. G., & Rikhsiboev, U. T. (2022). Fundamentals Of Designing Triangles Into Sections Equal 5, 7, 9, 11, 13, 15, 17 And 19. *Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science*, 3(2), 96-101.
13. Makhammatovna, S. S. (2023). Pedagogical and Psychological Aspects of Improving the Methods of Developing Students' Creative Research. *Web of Semantic: Universal Journal on Innovative Education*, 2(3), 37-41.
14. Abdurahimova, F. A., Ibrohimova, D. N. Q., Sindarova, S. M., & Pardayev, M. S. O. G. L. (2022). Trikotaj mahsulotlar ishlab chiqarish uchun paxta va ipak ipini tayyorlash va foydalanish texnologiyasi. *Science and Education*, 3(4), 448-452.
15. Sindarova, S. (2023). TALABALARDA IJODIY IZLANUVCHANLIKKA XOS SIFATLARNI SHAKILLANTIRISH USULLARI. *Академические исследования в современной науке*, 2(11), 23-29.
16. Sindarova Shoxista Maxammatovna, & Maxmudov Abdunabi Abdug'afforovich (2022). MUHANDISLIK GRAFIKASI FANLARINI O'QITISHDA IJODIY IZLANISH TALAB QILINADIGAN MASALALAR. *Ta'lim fidoyilari*, 24 (17), 2-275-284.
17. Rixsiboyev, U. T., & Maxammatovna, S. S. (2023). TEXNOLOGIK VOSITALAR ORQALI INNOVATSION DARS TASHKIL QILISH. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 20(8), 168-175.
18. Shoxista, S. Abdug'afforovich, MA (2022). METHODOLOGY OF STUDENT CAPACITY DEVELOPMENT IN TEACHING ENGINEERING GRAPHICS. *Gospodarka i Innowacje*, 22, 557-560.
19. Sindarova, S. M. (2021). IQTIDORLI TALABALAR BILAN SHUG'ULLANISH METODIKASI.(MUHANDISLIK FANLARI MISOLIDA). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(8), 32-39.
20. Shoxista, S. (2023). MUHANDISLIK GRAFIKASI FANINI O'ZLASHTIRISHDA ZAMONAVIY DASTURDAN FOYDALANISH ORQALI TALABALAR IJODKORLIGINI RIVOJLANTIRISH. *Innovations in Technology and Science Education*, 2(9), 780-790.
21. Синдарова, Ш. (2023). Yosh ijodkorlarni qo'llab quvvatlash va ular bilan ishlashni tashkil qilish. *Общество и инновации*, 4(2), 177-181.
22. Makhammatovna, S. S. (2023). DEVELOPMENT OF ENGINEERING GRAPHICS STUDENTS TO CREATIVITY THROUGH IMAGINATION VIEWS. *Лучшие интеллектуальные исследования*, 3(1), 22-26.
23. Takhirovich, A. U., & Makhammatovna, S. S. (2023). Forming Creativity through the Use of Modern Educational Tools. *International Journal of Formal Education*, 2(6), 404-409.